



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 27 октябрь, № 208 (5375)

Пайшанба

Туркменистон: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИ

Бугун, 27 октябрь куни туркман халқи ўз давлатчилиги тарихидаги муҳим воқеа — мустақилликнинг 20 йиллигини нишонламоқда. Ўтган қисқа даврда Туркменистон давлат қурилиши борасида улкан ютуқларга эришди. Сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларда, мамлакат ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди.

Мустақиллик туркман халқининг бунёдкорлик салоҳиятини тўла ишга солишга ва маънавий-руҳий тикланишига йўл очди. Ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан бораётган Туркменистон жазон ҳамжамиятининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлди ва халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Туркменистон ҳаётининг барча соҳаларида эришган марралар ва муваффақиятлар, шубҳасиз, Президент Гурбангули Бердимухамедов фаолияти билан боғлиқдир.

Мамлакат тараққиёти, кўп миллатли туркман халқи фаровонлигининг ошишини таъминлашга, кўп жиҳатдан, Туркменистон Президенти томонидан эълон қилинган, бугунги замон воқелиги ва талабларига, жамият тараққиёти истиқболларини олдиндан кўра билишга таянадиган, Тикланиш ва Туб ўзгаришларнинг янги йўли самараси ўлароқ эришилмоқда. Туркменистон ўз тараққиётининг ҳар бир инсоннинг жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижодий имкониятлари ва

иқтисодини кашф этиш ҳамда ишга солишга асосланган янги босқичга қадам қўйди. Мустақил тараққиёт йилларида, аynиқса, сўнгги беш йилда Туркменистонда асосий мақсадга эришилди — халқ янги жамият қуриш зарурлигини чуқур ҳис этиб, мустақил тараққиёт йўлидан ишонч билан одимламоқда ва Янги тикланиш даври муваффақиятига қатъий ишонади.

Сўнгги йилларда Туркменистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олишга улгурган фаол ички ривожланиш жараёнлари кузатишмоқда. Миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган нормаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш Президент Гурбангули Бердимухамедов раҳбарлигида бошланган ва амалга оширилаётган ислохотчилик сиёсатининг муҳим жиҳатларидан биридир. Туркменистон Конституциясининг янги тахририда қабул қилиниши бу йўналишда катта қадам бўлди. Мамлакатнинг Асосий Қонуни ўзида давлат тузумининг янги, такомиллаштирилган моделини, демократик институтлар тизимини, давлатнинг мақсад ва вазибаларини мужассам этган.

(Давоми 2-бетда).



Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги “Ўзэкс-помарказ” мажмуасида V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишдан руҳда давом этмоқда. Хусусан, унинг иккинчи кунда “Ўзавтйўл”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари, шунингдек, “Эзэлтехсаноат”, “Ўзмонтажмаҳсуқурилиш” уюшмалари ва бошқа ўнлаб корхона ҳамда ташкилотларнинг тақдимот маросимлари ўтказилди.

ЯНГИЛАНИШ, ҲАМКОРЛИК, АМАЛИЁТ

Маълумки, иқтисодиётнинг қайси тармоғи бўлмасин, ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланиши уларнинг ўзаро ҳамкорлигига бевосита боғлиқ. Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, республика миқёсда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида батафсил ахборот бериш ҳамда уларни шерикларга етказиш сингари муҳим ва зарур ижроси таъминланаётганлиги, десак, аynи ҳақиқатни айтган бўламиз. Олайлик, унда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мазкур соҳа вакиллари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни улар ижарага берилган кўрғазма майдонларидан бепул фойдаланган ҳолда, вазирлик ва идоралар, банклар, сўғурта

компаниялари сингари тегишли ташкилотлар мутахассисларидан зарур маслаҳатлар олиш имконини эга бўлаётганлиги.

— Албатта, бундай имкониятлар биз учун жуда фойдалидир, — дейди “Beruniy Talk” масъулияти чекланган жамияти бош бухгалтерини Светлана Нурхонова. — Негаки, биз бу ерда қурилиш саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида батафсил ахборот бериш ҳамда уларни шерикларга етказиш сингари муҳим ва зарур ижроси таъминланаётганлиги, десак, аynи ҳақиқатни айтган бўламиз. Олайлик, унда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мазкур соҳа вакиллари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни улар ижарага берилган кўрғазма майдонларидан бепул фойдаланган ҳолда, вазирлик ва идоралар, банклар, сўғурта

риш ишларига катта эътибор берилаётгани барчамизга аён. Натيجида аynи пайтга келиб, республика миқёснинг турли ҳудудларида янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барқарор фаолият юритаяпти, шунингдек, бунёд этилаётган кўркам, мухташам ва барча қулайликларга эга замонавий бинолар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бундай ўзгаришлар, улкан қурилишлар жараёни, ўз навбатида, қурилиш материаллари саноатининг ривожига ҳам катта туртки бўлмоқда.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган тақдимотда аynи шулар ҳақида маълумот берилди. Ҳозирги кунда, масалан, республикамиз ички эҳтиёжи учун зарур бўлган

(Давоми 2-бетда).

Тарихдан маълумки, инсоният қадим-қадимдан сув келтиришнинг турли йўлларида фойдаланган. Масалан, айрим жойларда бамбук дарахти ишлатилган бўлса, қаердадир лойдан ясалган қувурлар кенг қўлланилган. Кейинчалик эса сопол қувурлар оммалашган. Орадан йиллар ўтди, замонлар ўзгарди, одамзод секин-аста тараққиёт чўққиларини забт эта бошлади.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

Ушбу жараёнда обиҳаёт таъминоти тизими ҳам жадал ривожланиб, пўлат қувурлар истеъмолга кириб келди. Бу усул бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аммо ўтган асрнинг иккинчи ярмидан турмушимизда пайдо бўлган полимер қувурлар кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Рух қувурларга муқобил равишда ишлаб чиқилган PPBS қувурлари уй ичида сантехника ва иситиш қурилмаларида қўлланилиши осон, енгил ҳамда чидамли бўлгани учун ҳам тезда оммалашди. Бундай қувурларнинг хом ашёси ва бириктирувчи деталлари учун полипропилен ва сополимерлардан фойдаланилади. Уларнинг муҳим жиҳати шундаки, сифатли, биологик таъсирларга чидамли, сополимер (полимерга ўхшаш)лардан тайёрланган материаллар рангининг ўзгармаслиги ва ҳеч қандай ҳид тарқатмаслиги билан ажралиб туради. Алюмин зарқоғозли PPBS қувурлари иситиш ва сантехник тизимларида фойдаланиш учун махсус ишланган. Қувурларни ўраб турган алюмин зарқоғоз уларнинг иссиқдан кенгайиш коэффициентини беш баробар қисқартиради.

(Давоми 3-бетда).

ҚИШЛОҚНИНГ КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАРИ

аҳоли турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида барпо этилаётган тураржойлар қишлоқларимиз кўрқига тобора кўрк бахш этмоқда. Зеро, замонавий архитектура талабларига мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган бундай уй-жойлар қишлоқ аҳлининг нафақат турмуш тарзини, балки уларнинг дунёқарашини ҳам ўзгартириб юборгани аynи ҳақиқат.



Ислохот



Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, кун сайин чирой ояётган қишлоқлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик майдонига айланган янги шаҳарчаларга дуч келасиз.

Китоб туманидаги “Богбон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда барпо этилган “Чармгар” массиви ана шундай кўркам масканлардан биридир. Бу ерда намунавий лойиҳа асосида қуриб битказилган 20 та уй-жой ўз эгаларига ҳар томонлама маъқул бўлмоқда.

— Бир ўғил, тўрт қизимиз бор, олдинги яшаш

жойимиз Бойтерак қишлоғида эди, — дейди китоблик фермер Музаффар Суёнов. — Хом гишт ва пахса девордан тартибсиз қурилган уйларга кўзимиз ўрганган экан шекилли, замонавий уйга кўчиб, бошқа оламга тушиб қолгандек бўлди. Бундай уйларнинг намунавий деб аталаётгани бежиз эмас экан. Чиндан ҳам, уйнинг ички ва ташқи дизайнига гап йўқ. Унинг миллий менталитетимиз, урф-одатларимизга мос тарзда барпо этилганини айтмайсизми?!

(Давоми 2-бетда).

ХУСУСИЙ МУЛК УСТУВОРЛИГИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омилли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатлар тобора мустаҳкамланаётган. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ, соҳа вакилларига қулай бизнес-муҳит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалда изчиллик билан рўйбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурат КАНЪЯЗОВ билан суҳбат қилишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълум бўлди.

— Президентимиз Исло Каримов ташаббуси билан юртимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси изчил таъминланмоқда, — дейди Е. Канъязов. — Бу борадаги қонунчилик базаси тобора мустаҳкамланиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, жорий йилда янги

ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режими солиқ текширувларидан озод этиш мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик

субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш таққиланди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиклик касб

жараёнларига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилаётган.

Бундай изчил ишлар самарасида шу йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг мамлакатимиз янги ички маҳсулотидеги улуши 42,2 фоизга етди. Шу ўринда жалб этиш керакки, сўнгги ўн йилда янги ички

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоизидан зиёди тадбиркорлик фаолиятдан тушган даро-

мадлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

— Тадбиркорлар фаолиятига давлат, шу жумладан, назорат қилувчи органларнинг аралашувини чеклашга қаратилган чора-тадбирлар қандай самаралар бераётган?

— Тадбиркор эркин фаолият юритса, унинг ишида ривож бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан назорат ва бошқа идораларнинг қорхоналар молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини ошириш иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг стратегик

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан).

устувор йўналиши сифатида белгиланган. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча тадбиркорлик субъектлари томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шартларда рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



ТОШКЕНТда шахмат бўйича ўтказилган I Марказий Осиё кубоги мусобақасида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов бош совринни қўлга киритди.

Рустам Қосимжонов — бош соврин соҳиби

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан Марказий Осиё минтақасида шахматни янада ривожлантириш ва оммалаштириш, шахматчиларнинг таърибаси ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистондан жами элликдан зиёд шахматчи голиблик учун куч синашди.

(Давоми 2-бетда).

FAРФОНА. “Сингапур — Самарқанд” қўшма корхонасининг Марғилон филиали ташкил этилиши вилоятда етиштирилаётган ипак хом ашёсини қайта ишлашда кенг имкониятлар яратди.

Кенг имкониятлар шарофати

Шу билан бирга, ҳудудда тайёрланаётган ипак қалаваларини хоризгга экспорт қилиш салмоғи ҳам кўпайди. Хусусан, илғор технологиялар билан жиҳозланган корхонада ўтган қисқа мuddатда бир миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чет эллик ҳамкорларга етказиб берилди. Эътиборлиси, 340 та доимий иш ўрни очилди.

Н. СОБИРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

БУХОРО. Ромитан шаҳридаги “Нафис савдо инвест” хусусий корхонаси қошида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди.

Қўшимча даромад манбаи

Кунига икки тонна урни қайта ишлаш қувватига эга мазкур замонавий новвойхона фаолиятини йўлга қўйишда банкнинг 60 миллион сўмлик имтиёзли кредити асосди. Натижанда ўнга яқин иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тумanning энг чекка қишлоқларида ҳам ўз харидорини топиб улгурди.

И. ИБРОҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ўрта Чирчиқ туманидаги Наврўз маҳалласида тадбиркор Ойбек Назирқулов сазй-ҳаракати билан мебелсозлик корхонаси фаолият бошлади.

Сифатли ва бежирим

12 нафар уста-хунарманд меҳнат қилаётган ушбу цехда тайёрланаётган маҳсулотлар замонавий дизайни, бежирим ва сифатлилиги боис ички бозорда харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Ишлаб чиқариш жараёнларини илғор технологиялар асосида ташкил этиш учун 110 миллион сўм сарфланди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда яратилган иш ўринларининг ярмидан кўпи, анкироғи, 30 мингга яқини айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини ривожлантириш ҳисобига вужудга келди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, “Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Бошланчи 1-бетдан)

Алюмин зарқоғознинг ёриги бўлмаса, у кислород ўтказмайди. PPBSнинг бутловчи қисмлари Германиянинг халқаро даражада хизмат кўрсатадиган DWG, TZW ва HYG ташкилотининг рухсатномасини олган. PPBS қувурлари инсоннинг соғлиғига ҳеч қандай зарар етказмайди, сувнинг мазаси ва ҳидига таъсир қилмайди. Эътиборлиси, дунёда анча оммалашган бундай полимер қувурлар эндиликда бизда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Дастлаб "Mirob" маркази билан маҳсулот ишлаб чиқарган корхонамиз, 15 йилдирки, фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Elit-polimer" кўша корхонаси бош директори ўринбосари Зиёвуддин Жунайдуллаев. — Очигини айтиш керак, бу соҳада иш бошлаганимизда, кўпчилик полимер қувурларнинг келажига, унинг темир қувурлардан афзаллигига ишонмаган эди. Йиллар давомида тажриба ва билим эгаллаб, шунингдек, савдо тизимини ривожлантириб, ўзимизда ҳам шундай замонавий қувурлар ишлаб чиқариш вақти етганига амин бўлдик.

Бунинг учун ҳам ашёнинг бир қисми, мутахассислар, энг асосийси, ишлаб чиқарувчининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Аввало, ишлаб чиқариш жараёнига профессионал даражада ёндашишга ҳаракат қилдик. Асосий ишлаб чиқариш билан беш йилдан буён шуғулланмоқдамиз. Корхонамиз иситиш тармоқларида иссиқ ва совуқ сув билан таъминловчи ҳамда каналлациялар учун полипропилен қувурлар ишлаб чиқаради. Хозирги вақтда "Elit-polimer" билан полипропилен ва ПВХ қувурлари тайёрлаш соҳасида мамлакатимизда етакчи ҳисобланади... Шу тариқа корхона ўз маҳ-

сулотини қўшни давлатларга ҳам экспорт қила бошлади. Бугунги кунда "Elit-polimer"ни хоризда ҳам яхши билишади. Корхонанинг асосий истеъмолчилари саноат корхоналари, уй-жой ҳужалиги, ширкатлар, қурилиш ва савдо компаниялари, хусусан тадбиркорлар ҳамда аҳоли вакиллари ҳисобланади. Юртимиз аҳлига қулай

"European Quality" мукофоти билан тақдирланган. Корхонада "Вақт томони-дан текширилган сифат" деган шior асосида иш олиб борилади. Боси катта масъулият билан ишлаётган корхона 50 йиллик қафолатни зиммасига олган ҳолда фаолият олиб бормоқда. — Биз шифати маҳсулотлар ишлаб чиқарамизки,

кизтага етказиб, замонавий, юқори технологияга эга бўлган линияни ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Бу билан маҳсулотларимиз турини кўпайтирамиз, кўшимча иш ўринлари очамиз, мамлакатимиз иқтисодиётига, унинг экспорт қувватини оширишга ҳисса қўшган бўламиз. Рақобат бор жойда ривожланиш бўлиши аниқ. Биз ҳар

зилган "PLASTEX" кўргазмасида полимер қувурлар ва фитинглар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар билан бирга, Полимер қувурлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Ассоциациясини ташкил қилиш бўйича шартнома имзоланди. Агар полимерларнинг асосий хом ашёси республикамизда тайёрлаш имкони пайдо бўлади.

100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади. "Ўзкимёсаноат" ДАК ва "Навоийазот"да поливинилхлорид хом ашёсининг янги турларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Буларни ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, тез орада полимер хом ашёсининг барча турларини ўзимизда тайёрлаш имкони пайдо бўлади.

гидравлика асослари, техника хавфсизлиги, қувурларнинг компьютер лойиҳалари хусусидаги ҳолатлар ўргатилади. Бундай қисқа курсларда ёшлар полиэтилен қувурларини ишлаш сир-асрорларидан атрофича бохабар бўлишади.

Бугунги кунда "Elit-polimer"да мамлакатимизда амалга оширилаётган Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб борилмоқда. Мазкур дастур корхонага солиқ борасида кўпгина имтиёзлар берди. Бу эса, ўз навбатида, маблағларни ишлаб чиқаришни модернизациялашга ва маҳсулот турларини кўпайтиришга йўналтириш имконини бермоқда. Шунингдек, ушбу дастур натижасида аввал четдан келтирилган каналлация қувурлари учун қўлланиладиган микрокальцит — гидрофоб бўр, полимер бўёқларнинг барча турлари ва маҳкамловчи резина ҳалқалари эндиликда ўзимизда тайёрланмоқда. Лизингга жиҳозлар олиш учун маблағ ажратаётган "Капиталбанк" кўмагида корхона учун юқори сифатли, замонавий жиҳозлар харид қилинмоқда.

Корхонада ишчиларнинг эмин-эркин ишлаши, яшаши учун барча шарт-шароит яратилган. Улар вақти-вақти билан турли нуфузли ташкилот, корхона, олий ўқув юртимиз билан биргаликда малака ошириш учун юборилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда яна 20 та иш ўрни яратиш имкони мавжуд. Корхона ишчиларининг асосий мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдан иборат.

— Йиллар ўтиб меҳнатимиз натижасига назар солганларда одамлар биздан мамнун бўлишини ва тажрибаларимизга таянишларини истаймиз, — дейди З. Жунайдуллаев сўхбат сўнгида. — Агар инсон ўз бурчига виждонан ёндашса, қилаётган ишдан мамнун бўлса, у маънавий роҳатланади. Бунда вақт юқори сифатга эришиш омили эканини ҳам унутмаслик керак. Уйлайманки, яқин орада мамлакатимиз полимерларни қайта ишлаш саноатида етакчилардан бирига айланади. Ватан равнақи, ёрқин истиқбол ана шуни тақозо этади.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

бўлиши учун Тошкент шаҳри ва республиканинг барча ҳудудларида "Mirob" савдо маркази фирма дўконлари тармоғи мавжуд. Уларда маҳсулотлар завод нарҳида тавсия этилади. Шуни айтиш керакки, нарҳлар истеъмолчилар талабига мос. Яқин орада қўшни давлатларда ҳам корхонанинг савдо уйлари очиш кўзда тутилган.

Корхонада 2010 йили Халқаро ISO 9001 сифат менежменти тизими ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди. Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолчилар, алоҳида шахсларнинг эҳтиёжлари, маҳсулотнинг ўзига хослиги, технологик жараёнлар ҳисобга олинади. Бу дегани сифатни бошқариш тизими тўлиқ компьютерлаштирилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини доимо назоратдан ўтказадиган Европа тажриба лабораторияси ишлаб турибди. Хар бир иш ўрни ўзaro локал тармоққа боғланган компьютер билан таъминланади. Мазкур автоматлаштириш тизими барча ходимлар ўз ишини тўғри бажариши ва бажарилмаган ишларни назорат қилишда ёрдам беради. Шу боис маҳсулотлар сифати Европа ассамблеяси томонидан 2009 йили

улардан ўта масъул жойларда, жумладан, узоқ муддатли ва сифатли коммуникация муҳандислигида кенг фойдаланилади, — дейди З. Жунайдуллаев. — Маълумки, қувурлар муддати ўтган, чи-

доим соғлом рақобат тарафдоримиз. Чунки бундай рақобат ҳар бир тадбиркорга ён-вериди олиб борилаётган ишларни кузатиб туришни ўргатади. Замоннинг шиддатли оқими, айни пайтда бозор та-

ни, мамлакатимизда "Шўртан газ-кимё" мажмуаси фаолият кўрсатиб, 125000 тонна турли маркадаги полиэтилен ишлаб чиқараётганини ва корхона бу маҳсулотлардан юқори босимли водо-



рий бошлайди. Шу сабабдан ҳам биз халқаро андозаларнади. Мазкур автоматлаштириш тизими барча ходимлар ўз ишини тўғри бажариши ва бажарилмаган ишларни назорат қилишда ёрдам беради. Шу боис маҳсулотлар сифати Европа ассамблеяси томонидан 2009 йили

лаби қандай эканлигини хар қадамда англаб, аниқлашни тақозо этади. Бунда, албатта, ишнинг қўзини билган тадбиркор ютади. Турдош корхоналар билан "Elit-polimer"нинг алоқалари яхши йўлга қўйилган. Тошкентда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда илк мартаба ўтка-

провод магистралли ҳамда газопровод қувурлари ишлаб чиқаришда фойдаланишини ҳисобга олсак, Ассоциация ташкил этиш масаласи бугунги кун талабига мос келади. Шунингдек, Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушгач, бу ерда йилига 400 минг тонна полиэтилен ва



O'ZSANOATQURILISHBANK

қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

T/p	Омонат (депозит) номи	Муддати	Бошланғич бадал
Миллий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	"Мақсадли"	муддатсиз	Чекловсиз
3	"Болалар мақсадли омонати"	10 йил	Чекловсиз
4	"Фидойи"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
5	"Наврўз туҳфаси"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
6	"Коммунал хизматлари тўловига"	2 йил	Омонат мидорини белгилаш коммунал тўлов мидорига ва омонат физига боғлиқ
7	"Фаройиб"	1 ой	Чекловсиз
8	"Қўклам"	2 ой	Чекловсиз
9	"Омад" буюм-ютуқли	18 ой	Чекловсиз
10	"Мадад-1"	3 ой	Чекловсиз
11	"Мадад-2"	4 ой	Чекловсиз
12	"Мадад-3"	6 ой	Чекловсиз
13	"Соврин-1"	15 ой	Чекловсиз
14	"Навқирон"	3 ой	Чекловсиз
15	"Камолот"	6 ой	Чекловсиз
16	"Ҳадя"	9 ой	Чекловсиз
17	"Фойда"	14 ой	Чекловсиз
18	"Мадад-4"	9 ой	Чекловсиз
19	"Баркамол-1"	3 ой	Чекловсиз
20	"Ривож"	3 ой	Чекловсиз
21	"Юксалиш"	30 ой	Чекловсиз
22	"Кўклам-1"	3 ой	Чекловсиз
23	"Тинчлик"	100 кун	Чекловсиз
24	"ЛИДЕР"	6 ой	Чекловсиз
25	"Ҳамкорлик"	12 ой	Чекловсиз
Хорижий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	"Муддатли"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
3	"Капитал"	6 ой	Чекловсиз
4	"Манфаат-2"	7 ой	Чекловсиз
5	"Соврин-2"	12 ой	Чекловсиз
6	"Истиқлол-2"	3 ой	Чекловсиз
7	"Мультивалютали"	18 ой	Чекловсиз

Омонатингизни бизда сақлаб, даромад олинг!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган. Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24. www.uzpsb.uz

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нарҳлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Tsh 64-20438253-01: 2011

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа. **Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.**

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA **A-FAYZ**

- MEBEL
- LDSP
- POROLON
- SEMENT
- HAR XIL MIXLAR
- ELEKTROD
- REUKALAR
- IZOL

Тел.: 279-00-88.

«Ёр-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси жамоаси уюшма раиси Раҳимберди Аҳмедович Бўриева волидаи муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаб а уюшма кўмитаси Макроиқтисодиёт кафедраси муdiri, профессор Носир Маҳмудова акаси **Расул БОЗОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаб а уюшмаси кўмитаси Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси муdiri Шохиста Ўлжаевага акаси **Авазбек САИДУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҚАДР ТОПГАН ҚАДИМ МАНЗИЛЛАР

Навоий вилояти ҳақида гап кетганда, кўпчилик йирик саноат корхоналари, улкан кону қазилма бойликлари захираларини кўз олдига келтирса ажаб эмас. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан вилоятнинг саноат салоҳияти янада юксалди. Кўплаб ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилди, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланди, модернизация қилинди. Қолаверса, бу ерда Юртбошимиз ташаббуси билан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этишга киришилгани дунё эътирофига сазовор бўлди.

Бугун вилоятга жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб сайёҳ ва меҳмонлар келишининг боиси фақат бугина эмас. Гап шундаки, Навоий замини нафақат иқтисодий салоҳияти, балки ўзининг тарихий обидалари, қадамжолари билан ҳам машҳур. Айни пайтда воҳадаги 200 дан ортиқ катта-кичик тарихий обидаю ёдгорликлар давлат рўйхатига олинган бўлиб, уларни зиёрат ва томоша қилиш истагидегиларнинг эса саноғига етиш қийин.

Навбахор туманидаги Сармишсой дараси — ана шундай зиёратгоҳ масканлардан бири. Олимларнинг таъкидлашича, у 7 минг йиллик тарихга эга. Бу ерда қўйилган турмушнинг 10 мингга яқин суратлар мозий ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар беради. Сармишсой мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилиши натижасида юртимиз тарихига доир далил ва ашёлар манбаи янада бойиди.

Айтиш жоизки, 2004 йилда ушбу дарага "Очқик осмон остидаги музей" мақоми берилганди. Айни пайтга келиб



Сайёҳлик

Сармишсой мажмуаси музей-қўриқхонага айлантирилди ва бу ерда сайёҳлар учун кўплаб қулайликлар ҳамда шарт-шароитлар яратилди. Дарадаги қўйилган "Тош китоб" деб ҳам эътироф этишди. Негаки, уларга битилган суратлар, манзаралар рангбаранг, бетакорор.

— Бу каби манзиллар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Навоий вилояти "Саёҳат ва экскурсиялар бюроси" давлат корхонаси директори

Мансур Хомидов. — Нуротадаги "Чашма" мажмуаси, Александр Македонский даври билан боғлиқ "Нур" қалъаси, Хатирчидаги ибтидоий одамлар ҳаёти акс этган, 5-6 минг йиллик тарихга эга Сангижумон дарасидаги 5 километрлик "тошлар ўрмони", Кармандаги Маликработ карвонсаройи, Сардоба мажмуаси, Қосим Шайх

табиий қум барханлари бағрида даволаниш ва мароқли дам олиш имкониятидан фойдаланаётир. Бугунги кунгача ушбу ғўшаларда 2800 дан ортиқ хорижлик сайёҳ хордиқ чиқаргани сўзимиз тасдиғидир.

Табиийки, вилоятда хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай инвестициявий муҳит, ўз

ўтган даврида вилоятга 50 дан зиёд мамлакатдан беш мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюргани эътиборлидир.

— "Трайдинг сервис" хусусий корхонасига қарашли "Камилла" меҳмонхонаси 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда сервис хизмати кўрсатиш учун барча қулайлик яратилган, — дейди ташкилот раҳбари Фарҳод Эрнараров. — Уч юлдузли бу масканда респоран-бар, анжуманлар зали, сауна, тренажёр ишлаб турибди. Барча хоналар люкс ва яримлюкс талабларига мослаштирилган. Жорий йилда мазкур меҳмонхона хизматидан минг нафарга яқин сайёҳ баҳраманд бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмаси асосида Саёҳат ва экскурсиялар бюроси томонидан янги — "Самарқанд — Фориш — Айдар — Нурота — Бухоро", "Самарқанд — Кармана — Сармиш — Бухоро", "Бухоро — Нурота — Лангар — Сангижумон — Сармиш — Самарқанд" халқроқ сайёҳлик йўналишлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, Навоий вилоятида 2011 — 2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳасини ҳам ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Табиийки, бундай изчил солохотлар самараси истиқболда Навоий вилоятининг сайёҳлик салоҳияти янада кенгайиши учун асос бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорлик

Тошкент вилоятида 35 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Қибрай туманининг Дўрмон қишлоғида бунёд этилган 200 ўринли янги муассаса ҳам улар қаторига қўшилди.

Рағбат истеъдодга йўл очади

Ушбу таълим даргоҳини барпо этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан 2 миллиард 43 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда вилоятдаги турдош таълим даргоҳларида 5700 нафардан зиёд ўғил-қиз мумтоз ва жаҳон мусиқаси сирларини ўзлаштириш баробарида, чолғу асбоблари, вокал, хореография, халқ амалий санъати, кулоллик, ҳайкалтарошлик ва зардуэлик каби ўндан ортиқ йўналишда таҳсил олмақда.

Ғ. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДАН 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Геология-қидирув ишларини молиялаштириш тўғрисидаги йўриқнома"ни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида" **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 5 сентябрдаги 1, 58, 9-сон қарори.**

2011 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 514-1 (2011 йил 28 октябрдан қучга қиради).

2. "Геология-қидирув ишларини йиллик дастурларини давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 5 сентябрдаги 59, 10-сон қарори.**

2011 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2278 (2011 йил 28 октябрдан қучга қиради).

3. "Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириб буйича қондаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил 19 октябрдаги 242-мх-сон буйруғи.**

2011 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2018-1 (2011 йил 29 октябрдан қучга қиради).

4. "Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (11-сон МБМС) "Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фондининг қийматини баҳолаш"ни тасдиқлаш тўғрисида" **Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 19 сентябрдаги 01/19-18/06-сон қарори.**

2011 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2279 (2011 йил 29 октябрдан қучга қиради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. "Геология-қидирув ишларини молиялаштириш тўғрисидаги йўриқнома" **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 514, 1998 йил 27 октябрь).**

Адлия вазирлигининг 2011 йил 18 октябрдаги 240-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

• **Реклама ва эълонлар** •

«ЎЗБЕКЭНЕРГО»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда электр энергияси истеъмолчилари учун ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

ташкил этилганлигини маълум қилади.

Т/р	Корхоналар номи	Ишонч телефонлари
1.	«Ўзбекэнерго» ДАК	(8-371) 236-64-06
2.	«Андижон ЭТ» ОАЖ	(8-374) 224-54-31
3.	«Бухоро ЭТ» ОАЖ	(8-365) 225-50-34
4.	«Жиззах ЭТ» ОАЖ	(8-372) 222-37-56
5.	«Корақалпоқ ЭТ» ОАЖ	(8-361) 222-93-01
6.	«Қашқадарё ЭТ» ОАЖ	(8-375) 221-08-35
7.	«Навоий ЭТ» ОАЖ	(8-436) 224-33-51
8.	«Наманган ЭТ» ОАЖ	(8-369) 226-26-31
9.	«Самарқанд ЭТ» ОАЖ	(8-366) 231-11-42
10.	«Сирдарё ЭТ» ОАЖ	(8-367) 25-14-77
11.	«Сурхондарё ЭТ» ОАЖ	(8-376) 222-83-25
12.	«Тошкент ЭТ» ОАЖ	(8-371) 250-34-35
13.	«Тошкент шаҳар ЭТ»	(8-371) 233-75-79
14.	«Фарғона ЭТ» ОАЖ	(8-373) 223-38-47
15.	«Хоразм ЭТ» ОАЖ	(8-362) 227-12-51

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БУ ЧЕМПИОНЛАР БИЗНИНГ МАҲАЛЛАМИЗДАН»

Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласининг 15 — 16 ёшли ўғил болаларидан ташкил топган футбол жамоаси яқинда пойтахтимизда ўтказилган "Футболмиз келажиги" анъанавий республика турнирининг финал босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу маҳалла вакиллариининг кейинги етти йил ичида мазкур нуфузли турнирдаги тўртинчи ғалабасидир.

4060 нафар аҳоли яшайдиган маҳалла обод: кўчалари саранжом-саришта, хонадонлари файзли, тароватли. Ҳовлиларида тоза ичимлик суви, ошхоналарида табиий газ. Маҳалла ахлининг ҳудуддаги мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналарию хизмат кўрсатиш нуқталари билан ҳамкорлиги бақамти. Одамларнинг спортга қизиқиши юқори, айниқса, фарзандларининг жисмонан чинқиқ ўсишига эътиборлари тахсинга лойиқ. Ўғил-қизларини улар тўғрақларга етаклаб бордилар. Машқ-машгулотларини кузатадилар. Унча-мунча беллашувларда ютуқларини олқишлайдилар.

Маҳалла фаолларидан бири, болалар спорти жонқуяри Бозор Ҳакимов рақсбарлик қилаётган "Дўстлик" футбол жамоаси бундан 15 йил муқаддам шу аснода шаклланди. Юзлаб болакайлар ва ўсмирлар учун маҳалланинги футбол клуби катта мактаб вазифасини ўтади. Шу йиллар давомида жамоа уч карра вилоят чемпиони бўлди. Мамлакатимизнинг катта футбол майдонларида тўп сурди. Шу тарзда маҳаллаларининг довуруғини элга танитди.

Бу йилги "Футболмиз келажиги" турнири, айниқ-

са, ёш иқтидор эгаси Искандар Курбонов учун омадли келди. У турнирнинг энг яхши ҳужумчиси бўлди. Одоб-интизомини ҳам ҳавас қилгулик. Искандар спортчилар оиласидан. Отаси Норбой Одинаев жисмоний тарбия ўқитувчиси, акаси Самандар "Бухоро" футбол жамоаси аъзоси. Искандарнинг ҳам нияти чакки эмас — футболчи сифатида мамлакатга, жаҳонга танилиш.

Болалар спорти

Маҳалла аҳли Искандарни, унинг тенгдошлари Илҳом, Камолитдин, Абдуллони "Бу чемпионлар бизнинг маҳалламыздан", деб эъзозлашади. Улар билан фахрланишади. "Бизнинг оиламыздан ҳам чемпион чиқади", деган умидда фарзандларини спорт тўғрақларига олиб боришади.

"Дўстлик"нинг ибрати андоза бўлиб, туманининг бошқа маҳаллаларида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаётгани қувончли.

— Бизда олти минг нафар бола спорт билан мунтазам шугулланади, шуларнинг қарий ярми қизлардир, — дейди Қумқўрғон тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори ўринбосари Боймурод Гулбоев. — Бу хайри ҳаракатда маҳаллаларнинг ҳам муносиб ўрни, кўмаги бор.

Масалан, Қарсақли маҳалласида болалар ўртасида спортнинг энгил атлетика тури оммалашган бўлса, Қумқўрғон номли маҳалланинги қизлари бадиий гимнастикага кўпроқ қизиқишади. Тўхтамиш Муқимов номли маҳалла эса кураш-чилари билан кўзга кўринган.

Абдиқолик, Йўлдош, Олим, Жиян, Аваз полвонлар... Бугун ҳам маҳалладаги 461 хонадоннинг деярли ҳар қайсисининг ўз полвони ёки "Мен, албатта, полвон бўламан", деб белига белбоғ боғлаган ўғлонни бор. Маҳаллада кунда-кунора тўй. Кураш давраси полвонларга тўлиб кетади. Одатга кўра, дастлаб даврага бола-лар тақлиф этилар.

Улар оз эмас: Ислому, Мусурмон, Фаншиер, Абдуғани... Мусурмон яқинда Фарғонада ўтказилган мусобақада мамлакат чемпиони бўлди. 8 ёшли Саидқором туман марказида бўлиб ўтган беллашувда тилга тўшди.

Яқинда маҳалладаги 12-умумтаълим мактаби

Канадада ўзбек рақсини ўрганишда

Республика академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Бухоро бўлими ҳузуридаги бадиий дасталар жамоалари шу йилнинг ўзида Бельгия, Голландия, Қатар, Таиланд каби мамлакатларда сафарда бўлиб, чет эллик томошабинларга миллий санъатимиз дурдоналарини намойиш этишганди.

Яқинда Канаданинги Торонто университетини Шарқ рақслари кафедраси профессори С. Зариф юртимизга ташриф буюриб, миллий санъатимиз билан яқиндан танишди. Хусусан, у "Бухоро гўзаллари", "Шашмақом", "Мавриги" ва "Бухорча" дасталари раққосалари

Ҳавас

билан ижодий учрашувлар ўтказиб, Бухоро рақсларининг ўзига хос усулларини ўрганди. С. Зариф канадалик ёшларга ўзбек рақс санъати сирларини ўргатиш ниятида.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (27 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 7-12 даража илиқ, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 7-12 даража илиқ, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов. Мусаххач — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5